

ASSESSMENT OF DENTAL HEALTH OF CHILDREN WITH DIABETES

Eshmetova Kunduzxon Kuziboevna, Masharipova Nasiba Ataboevna
Urgench Branch Of Tashkent Medical Academy

Тадқиқотнинг долзарблиги. Болалар стоматологияси йўналишида олиб борилаётган илмий изланишлар оғиз бўшлиғи саломатлиги ва соматик касалликлар, шу жумладан қандли диабет ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) мутахассисларининг баҳолашига кўра дунё бўйлаб барча ёшидаги инсонларда қандли диабетнинг тарқалиши 2000 йилда 2,8% ни ташкил этиб, 2030 йилга келиб унинг тарқалиши 4,4% гача ўсиши кутилмоқда. Қандли диабетга чалинган болаларни парвариш қилишда оғиз бўшлиғи саломатлиги тегишли мутахассислар томонидан инобатга олинади ва назорат гуруҳига киритилади. Қандли диабет бора беморлар оғиз бўшлиғи аъзоларининг саломатлиги улар соғлигининг умумий ҳолатига ва касалликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, шунинг учун қандли диабетга чалинган беморларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактикасини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бўлиб келмоқда.

Хорижий ва маҳаллий мутахассислари фикрига кўра, тиббий тарғибот қандли диабет билан оғриган беморларда стоматологик касалликлар билан асоратланган ҳолатда уларни назорат қилишнинг энг самарали усули бўлиб ҳисобланади. Профилактик тадбирларни тўғри олиб бориш қандли диабет билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари асоратларини 80% га камайтиради. Халқаро диабет федерацияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларидан келиб чиқиб, бутун дунёда диабет билан касалланган 200 млн.дан ортиқ бемор борлигини ҳисобга олсак, муваффақиятли профилактика нафақат асоратларнинг камайишига, балки шу каби болалар ҳаёт сифатини ҳам яхшилашга олиб келади.

Қандли диабет (ҚД) муаммосининг долзарблиги бутун дунёда тан олинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2012 йилда дунёда 280 миллионга яқин қандли диабет билан касалланган беморлар, шу жумладан 480 минг нафари болалар бўлиб, ўлим даражаси дунё бўйича 9% ни ташкил қилган. Қандли диабет оғиз бўшлиғи ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун болалар стоматологлари диабетга чалинган болалардаги оғиз бўшлиғи касалликлари хусусиятларини билишлари керак.

Оғиз бўшлиғи билан чегараланиб қолмасдан, 1 ва 2 типдаги ҚД билан оғриган беморларда тизимли оқибатларга олиб келиб, бунда гингивит ва пародонтит касалликлари тарқалганиши мумкин. ҚД билан оғриган беморларда пародонтитлар соғлом аҳолига қараганда эрта ривожланиб бориши, ҚД нинг узок давом этиши натижасида эса касаллик жиддий тус олиши аниқланган.

Бундан ташқари, болаларда учрайдиган кариес - бу ҚД га чалинган беморларда тез-тез аниқланадиган кўп омилли оғиз бўшлиғи касаллиги ҳисобланади. Гингивит, пародонт касалликлари ва болалик давридаги кариеснинг клиник кечишидаги боғлиқлик ўхшаш бўлиб, оғиз бўшлиғи гигиенасига етарли риоя қилмаслик сабабчи бўлади. Оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлаш сурункали стоматологик касалликлар олдини олади ва сурункали яллиғланиш жараёнлари асоратларини камайтиради (Lifshitz F. et al., 2016).

Ўтказилган тадқиқотлар 1-тип ҚД ва оғиз бўшлиғи саломатлиги орасида боғлиқлик борлигини исботлаган. Ушбу касаллик пародонтит ва тиш кариеси каби тиш касалликларининг келиб чиқиши, ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Тўқималардаги метаболик мувозанатнинг бузилиши ҚД га чалинган беморлар оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетни қаршичилигининг

пасайиши ва пародонт касаллигининг ривожланиши ва авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Аниқланишича, ҚД билан касалланган болаларда кариес ривожланиш хавфи юқори.

Қандли диабет билан касалланган болаларда стоматологик касалликлар ривожланишига маҳаллий омилларига граммусбат бактериялар (*Aggregatibacter actinomycetemcomitans*, *Bacteroides spp.*, *Campylobacter spp.* ва бошқалар) борлиги аҳамиятлидир. Сўлакдаги *Streptococcus spp.* ва *Lactobacterium spp.* миқдори ҚД билан касалланган беморларда деярли бир хиллиги аниқланган. Турли иммунитет танқислиги касалликларида оғиз бўшлиғи замбуруғли инфекциялари соғлом болаларга қараганда кўп учраган. Маълумотлар диабетга чалинмаган болалар билан таққосланганда, диабетга чалинган беморларда ташиш частотаси ва *Candida albicans* нинг кўпайганлигини кўрсатади. Шунингдек, *Candida albicans* ва *Streptococcus mutans* асосий кариесоген микроб эканлиги ҳам аниқланган.

Маҳаллий муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотларни сарҳисоб қилар эканмиз, қандли диабет билан касалланган болалар орасида стоматологик касалликларни тарқалишида сезиларли тебранишлар мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш сўнгги ўн йилликларда қандли диабет билан касалланган болалар орасида стоматологик касалликларни камайтириш тенденцияси йўқлигини кўрсатади.

Қандли диабет билан касалланган болалар орасида стоматологик касалликларни тарқалишига хавф омилларининг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида мамлакатимиз турли ҳудудларида илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати минтақавий компонентни ҳисобга олган ҳолда стоматологик касалликларни олдини олиш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Болалар ёшида стоматологик касалликларни ташхислаш ҳар томонлама олдини олиш бўйича янги, янада самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш ва кейинчалик уларни ҳудудий ихтисослаштирилган соғлиқни сақлаш бўлими фаолиятига жорий этиш нуктаи назаридан ушбу фан соҳасидаги илмий изланишларни давом эттиришни имконини беради.

Тадқиқот мақсади. Қандли диабет билан касалланган болаларда стоматологик саломатлигини баҳолаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган турли хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

Қандли диабет ва асосий стоматологик касалликлар ташхисланган болалар оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни баҳолаш;

Қандли диабет билан касалланган болаларда стоматологик касалликларни тахшислаш тиббий, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

Қандли диабет билан оғриган болаларнинг стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

Тадқиқот объекти ва предмети.

Стоматологик касалликлари мавжуд бўлган қандли диабет билан касалланган 6 -18 ёшли 68 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқот усуллари.

Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун илмий ишда қуйидаги усуллар қўлланилган: клиник - функционал, стоматологик текширув кўрсаткичлари ва статистик усуллар қўлланилади.

Хулоса. Қандли диабет билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган турли хавф омилларини ўрганиш ва касаллик тарқалиш даражалари ўрганилади;

Қандли диабет ва асосий стоматологик касалликлар ташҳисланган болалар оғиз бўшлиғи шиллиқ касалликлари ва тиш қаттиқ тўқимасидаги патологик ўзгаришларни стоматологик текширув кўрсаткичларини қўллаш орқали стоматологик ҳолати аниқланади;

Қандли диабет билан касалланган болаларда стоматологик касалликларни тахшислаш тиббий, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш орқали бемор болаларнинг ҳаёт сифати даражаси кузатилади;

Қандли диабет билан оғриган болаларнинг стоматологик касалликларни тахшислаш ва самарали даволаш орқали рецидивлар микдорини камайтиришга эришилади;

ЛИТЕРАТУРА:

1. Абдуллаев Ш.Ю., Хасанов А.И. Микробиологический контроль при лечении больных с травматическим остеомиелитом нижней челюсти //Проблемы стоматологии-2001.-№4-с.63-64.
2. Азимов М.И. Диагностика и патогенетические аспекты терапии воспалительных заболеваний челюстно-лицевой области: Дис. ...д-ра мед. наук.-Ташкент.-1991.-140с.
3. Азимов М.И., Кутыркина Н.Ю. Влияние обработки гнойных ран челюстно- лицевой области у детей низкочастотным ультразвуком на процессы перекисного окисления липидов и состояние антиоксидантной защиты //Новое в стоматологии.- 2001.-№5.-С.85-87.
4. Бажанов Н. Н. Особенности лечения соматических больных с острыми гнойными заболеваниями тканей челюстно-лицевой области и шеи // Клиника, диагностика, лечение, профилактика воспалительных заболеваний лица и шеи.— М.: Изд-во ГЭОТАР-Мед, 2002.- С. 79-84.
5. Камалова Ф.Р. Изменение микрофлоры и неспецифических факторов защиты у детей при воспалительных заболеваниях челюстно-лицевой области. «Актуальные вопросы стоматологии детского возраста»// Вторая Всероссийская научно-практическая конференция, посвященная 90-летию со дня рождения профессора Сайфуллиной Халимы Мухлисовны. Сборник научных статей. – 2019. – С. 70-74.
6. Камалова Ф.Р. Изучение важных аспектов в развитии гнойно-воспалительных процессов челюстно-лицевой области у детей// Проблемы биологии и медицины. - 2017. - № 4,1 (98). – С. 69.
7. Rakhmatillaevna, K. F. (2020). Diagnostic value of salivator cytokines in dental diseases in children with diabetes mellitus type 1. European Journal of Molecular and Clinical Medicine, 7(3), 1518-1523. Retrieved from www.scopus.com
8. Rakhmatillaevna, K. F., &Torakulovich, E. G. (2020). Early diagnosis and prevention of dentoalveolar anomalies and cariogenic situation in children suffering from diabetes. European Journal of Molecular and Clinical Medicine, 7(3), 2468-2472. Retrieved from www.scopus.com